



Ислом Нури

Узр эгалари – беморлик, мусофирлик ва хавф-хатар ҳолида турган кишилар бўлиб, улар намозни узрсиз кишилар адо этганидек тўлатўқис адо этиш имкониятига эга бўлмайдилар. Шу боис шариат соҳиби уларга энгиллик яратиб берган ва улардан намозни имкониятлари даражасида ўқишни талаб қилган. Бу эса шариатимизнинг энгилқулайлиги ва олийжаноблиги кўринишларидан бўлиб, аслида шариатимиз қийинчиликни даф қилиш учун келгандир.

Аллоҳ таоло айтади:

«Унинг Ўзи сизларни (шу муқаддас дин учун) сайлади ва бу динда сизларга бирон хараж-танглик қилмади» (Ҳаж: 78).

«Аллоҳ сизларга энгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди» (Бақара: 185).

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди» (Бақара: 286).

«Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан тақво қилинглар» (Тағобун: 16).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Агар сизларни бир ишга буюрсам, қодир бўлганингизча қилинг»** (Муттафақун алайҳ).

Бундан бошқа ҳам Аллоҳнинг бандаларига бўлган фазлини ҳамда шариатини энгил қилиб берганлигини баён қилувчи оят ва ҳадислар кўп.

Биз бу ерда сўз юритмоқчи бўлган мавзу, яъни, касаллик, мусофирлик



Ислом Нури

ё хавф-хатар ҳолида бўлган узрли киши қандай намоз ўқиши ҳақидаги мавзу ҳам мазкур енгилликлар жумласидандир.

1) Бемор кишининг намози:

Намоз – ҳеч қачон тарк қилинмайдиган ибодатдир. Бемор киши ҳам намозни тик туриб адо қилиши лозим. Агар эҳтиёж бўлса, асо ва шу каби нарсага суяниб турса ҳам зарари йўқ. Чунки, фарз нима билан тўла-тўқис бўлса, ўша нарсани қилиш ҳам фарздир.

Агар бемор киши намозда тик туришга қодир бўлмаса ёки тик туриш уни қийнаб қўйса ёки тик туриб ўқиши сабабли дарди зўрайдиган ё тузалиши орқага суриладиган бўлса, бундай ҳолларда ўтириб ўқийди.

Ўтириб намоз ўқиш мубоҳ бўлиши учун тик туrolмаслик шарт қилинмайди, бунинг учун арзимас қийинчилик кифоя ҳам қилмайди, балки қийналиш очиқ кўриниб турган бўлиши эътибор қилинади.

Уламолар ижмосига кўра, фарз намозда тик туришдан ожиз бўлган киши ўтириб ўқийди, кейин қайтариб ўқимайди, ажри ҳам кам бўлмайди. Ўзига қулай бўлган кўринишда ўтираверади. Чунки, шариат соҳиби ундан хос кўринишда ўтиришни талаб қилмаган, қандай ўтирса ҳам жоиз.

Агар бемор ўтириб намоз ўқишга ҳам қодир бўлмаса, ўтириб ўқиш унга оғирлик қилса ёки ўтириб ўқишга ожизлик қилса, ёнбошлаб, юзини қиблага қилган ҳолда ўқийди. Ўнг ёнига ёнбошлаб ўқигани афзал. Агар юзини қиблага қилиб ётқизиб қўядиган одам бўлмаса ва ўзи мустақил бурилишга қодир бўлмаса, қайси тарафга қараб ётган бўлса ҳам ўқийверади.



Ислом Нури

Агар бемор ёнбошлаб ўқишга қодир бўлмаса, чалқанча ётганича ўқийди, имкони бўлса оёқларини қиблага узатади.

Бемор ўтириб намоз ўқиса ва сажда қилишга қодир бўлмаса ёки юқорида айтилганидек ёнбошлаб ё чалқанчасига ўқиётган бўлса, рукуъ ва сужуд учун боши билан ишора қилади, саждага бўлган ишорани рукуъ ишорасидан пастроқ қилади. Агар ўтириб ўқиётган бемор ерга сажда қилишга қодир бўлса, сажда қилиши фарз, ишора сажда ўрнига ўтмайди.

Бемор кишининг юқорида айтилганидек намоз ўқиши жоизлигига далил Имом Бухорий ва «Сунан» соҳиблари Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилган қуйидаги ҳадисдир: «Менда бавосир бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намоз ҳақида сўраган эдим: «Тик туриб ўқи, агар қодир бўлмасанг ўтириб ўқи, бунга ҳам қодир бўлмасанг ёнбошлаб ўқи», деб жавоб бердилар». Имом Насойй ривоятида қуйидагича зиёда қилинган: «Агар қодир бўлмасанг, чалқанча ётган ҳолда ўқи. **«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди»** (Бақара: 286)».

Шу ўринда диққат қаратиш керак бўлган бир нарса бор. У ҳам бўлса, баъзи беморлар ва хоссатан жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказганлари кўп ҳолларда намозни мукамал сифатда ўқиёлмасликлари ёки таҳорат қилолмасликлари ёки кийимларига нажосат теккани каби узрлар билан намоз ўқишни тарк қиладилар. Бу жуда катта хатодир. Чунки, мусулмон киши намознинг баъзи шартлари ё рукнлари ё вожибларидан ожиз бўлганлик сабаби билан намозни ташлаши жоиз бўлмайди. Балки, уни ҳолати кўтаришига қараб ўқийверади. Чунки, Аллоҳ таоло: **«Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан тақво қилинглар»** (Тағобун: 16), деган.



Ислом Нури

Айрим бемор кишилар: «Тузалганимдан кейин қолдирган ҳамма намозларимнинг қазосини ўқиб оламан» дейишади. Буни улар томонидан бўлган жоҳиллик ёки бепарволик деб баҳоланмоғи керак. Намоз имкони борича ўз вақтида ўқилиши даркор, уни вақтидан кечиктириш мумкин эмас. Бундан огоҳ бўлиш ва ўзгаларни огоҳлантириш лозим. Шифохоналарда диний билим савиясини оширишга ёрдам берувчи, беморларга намоз ва бошқа диний мажбуриятлари соҳасида зарур маълумотлар улашувчи тадбирлар (ёки шундай маълумотлар қўйилган бурчаклар) ташкил қилиниши зарур.

Юқорида баён қилинган ҳукмлар намозни бошидан охиригача узрли ҳолда ўқийдиган кишилар ҳақида эди. Энди бир киши агар намозни тик туриб ўқий бошлаган бўлса-ю, кейин ожизлик етиб қолса ёки тик туришга қодир бўлмаган ҳолда бошлаб туриб, намоз асносида қодирлик пайдо бўлса, ёки ўтириб ўқий бошлаган киши намоз асносида ўтиришга қодир бўлмай қолса, ёки ёнбошлаган ҳолда намоз бошлаган киши намоз асносида ўтиришга қодир бўлиб қолса, мазкур ҳолатларда шаръан ўзи учун муносиб бўлган ҳолатга кўчиб ўтади ва намозни ўша шаклда охирига етказди. Чунки, Аллоҳ таоло: «**Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан такво қилинглр**» (Тағобун: 16), деган. Намоз асносида агар тик туришга қодир бўлиб қолса, тик туриб олади, тик туришга қудрати етмай қолса, ўтириб олади ва ҳоказо.

Агар тик туриш ва ўтиришга қодир бўлса-ю, рукуъ ва сужудга қодир бўлмаса, рукуъ ва сужуди ораси имкон қадар фарқли бўлиши учун рукуъга тик турган ҳолида, сужудга эса ўтирган ҳолида ишора қилади.

Бемор агар тик туриб намоз ўқишга қодир бўлса-ю, унга ишончли муслмон табиби: «Ҳозирча сизга тик туриб намоз ўқиш мумкин эмас,



Ислом Нури

ётиб ўқишингиз зарур» деса, унинг айтганича ётиб ўқиши жоиз бўлади. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари ёрилганда ўтириб намоз ўқиганлар (Бухорий (805) ва Муслим (411) Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар), Умму Салама розияллоҳу анҳо кўз оғриғи туфайли саждани тарк қилганлар (Ибн Аби Шайба (1/243, №2901) ва Байҳақий «Кубро»да (2/307) ривоят қилганлар).

Намоз Исломда жуда катта ўрин тутди. Бинобарин, мусулмон киши уни соғлиқ пайтида ҳам, беморлик ҳолида ҳам адо этиши фарздор, беморлик туфайли намоз соқит бўлмайди, бироқ киши ҳолати кўтаришига қараб ўқиши мумкин. Мусулмон киши Аллоҳ буюрганидек, намозни муҳофаза қилиши лозим.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган ишларга муваффақ қилсин.

2) Отлиқ кишининг намози:

Отлиқ киши агар уловидан ерга тушса, лой ёки ёмғир туфайли озор этиши мумкин бўлса, ёки от-уловидан тушгач қайтиб минолмай қоладиган бўлса, ёки уловидан тушса, ҳамроҳларидан қолиб кетиш хавфи бўлса, ёки уловидан тушса, жонига душман ё бирон ваҳший ҳайвон хавфи бўлса, бундай ҳолларда у узр соҳиби саналади ва миниб бораётган улови устида намоз ўқийверади ва намоз учун ерга тушмайди. Яъло ибн Мурра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари билан бирга бир тор дарага етиб бордилар, у зот туяда эдилар. Тепаларидан ёмғир қуяр, оёқлари ости эса нам-лой эди. Шунда намоз вақти бўлиб қолди. У зот муаззинга буюрдилар, у азон ва иқомат айтди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяга минган ҳолларида олдинга ўтдилар



Ислом Нури

ва уларга имо-ишора билан намоз ўқиб бердилар, саждаларини рукуъларидан пастроқ қилдилар» (Имом Аҳмад (4/174, №17573) ва имом Термизий (411) ривоятлари).

Юқоридаги каби узрлардан биронтаси сабабли фарз намозни улови устида ўқиётган одам қодир бўлса қиблага юзланиши фарз. Чунки, Аллоҳ таоло: **«Юзингизни Масжид-ал-Ҳаром (Макка) томонга булинг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига булингиз!»** (Бақара: 144), деган. Бундай киши ўзи қодир бўлганича рукуъ, сужуд ва уларнинг ишорасини қилиши ҳамда хотиржамликка риоя қилиши лозим. Чунки, Аллоҳ таоло: **«Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан тақво қилинглар»** (Тағобун: 16), деган. Инсондан қодир бўлмаган нарсаси талаб қилинмайди. Агар қиблага юзланишга қодир бўлмаса, қиблага юзланиши соқит бўлади ва ўзининг ҳолатидан келиб чиқиб ўқийверади.

Тоира (учоқ) йўловчиси ҳам қодир бўлганича тик туриб ё ўтириб, рукуъ ва сужудларни бажариб ё ишора билан қилиб, қиблага юзланган ҳолда намоз ўқийди. Чунки, унинг қиблага юзланиш имконияти бор.

3) Мусофирнинг намози:

Мусофир ҳам узр эгаларидан бўлиб, намозни қаср ўқиши, яъни тўрт ракъатлик намозни икки ракъатга қисқартириб ўқиши машруъдир. Бунга Қуръон, Суннат ва ижмоъ далолат қилади. Аллоҳ таоло айтади: **«Сафар қилиб бошқа ерларга борганингизда агар кофирлар фитнасидан қўрқсангиз, намозингизни қаср (қисқа) қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир»** (Нисо: 101). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда фақат қаср ўқиганлар, уламолар



Ислом Нури

ижмоига кўра, сафарда қаср ўқиш тўла ўқишдан кўра афзалроқдир. Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: «Аллоҳ намозни фарз қилган пайтда уни муқимликда ҳам, сафарда ҳам икки ракъат-икки ракъатдан фарз қилди, кейин сафар намози ўрнида қолдирилиб, муқимликдаги намозга зиёда қилинди» (Бухорий (350) ва Муслим (685) ривояти).

Умар розияллоҳу анху айтганлар: «Сафар намози тўла икки ракъатдир, қаср эмас» (Насоий (1420), Ибн Можа (1063) ва Аҳмад (1/37, №257) ривоятлари).

Қаср ўқиш мусофир ўз шаҳрининг обод қисмидан чиқиши билан бошланади. Чунки, Аллоҳ таоло қасрни ерда сафар қилган кишилар учун мубоҳ қилди. Шаҳридан чиқмасидан туриб киши мусофир саналмайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиққанларидан кейингина қаср ўқишни бошлардилар. Чунки, сафар – «сахрога чиқмоқ» маъносидаги «исфáр» сўзидан олинган.

Мусофир кишининг сафари такрорланиб турувчи бўлса ҳам намозни қаср ўқийверади. Масалан, шаҳарлараро почта ташувчилар ёки такси, автобус ҳайдовчилари каби кўп вақтлари шаҳарлар орасидаги йўлларда ўтадиган кишилар ана шу тоифага кирадилар.

Мусофир киши пешин билан асрни, шунингдек, шом билан хуфтонни уларнинг бири вақтида қўшиб ўқиб олиши мумкин. Қаср ўқиши жоиз бўлган ҳар қандай мусофир учун мазкур намозларни қўшиб ўқиб олиш ҳам жоиздир. Бу – ҳожат тушганда, масалан, йўлда шошилиб бораётганда қилинадиган оризий рухсатдир. Муоз розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук жангидаги сафарларида агар йўлга отланишларидан аввал кун



Ислом Нури

қиёмидан оғса, пешин билан асрни жамлаб ўқиб олар эдилар, аммо лашкар қуёш қиёмидан оғмасидан ўрнидан қўзғалган бўлса, аср вақти киргунича пешинни кечиктириб турар ва пешин билан асрни жамлаб ўқир эдилар. Шомда ҳам худди шундай – яъни – агар қуёш аскар қўзғалишидан аввал ботса шом билан хуфтонни жамлаб ўқиб олар эдилар, аммо лашкар қуёш ботишидан олдин ўрнидан қўзғалган бўлса, хуфтон вақти киргунича шомни кечиктириб, кейин шом билан хуфтонни жамлаб ўқир эдилар» (Абу Довуд (1220) ва Термизий (553) ривоятлари).

Агар мусофир йўл асносида дам олиш учун тушса, ҳар бир намозни ўз вақтида, жамламасдан, қаср қилиб ўқиши афзалдир.

Жамламаса, қийинчилик етиши мумкин бўлган бемор киши ҳам пешин билан асрни, шом билан хуфтонни қўшиб ўқиши мумкин.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Жамлаб ўқиш умматдан қийинчиликни кўтариш учунгина эди. Агар жамлаб ўқишга эҳтиёж сезсалар, жамлаб ўқийдилар. Барча ҳадислар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларидан қийинчиликни кўтариш учун бир вақтда икки намозни жамлаб ўқиганларини кўрсатади. Намозни жамламасликда Аллоҳ бу умматдан кўтаришни истаган қийинчилик ҳосил бўлса, уни жамлаш мубоҳ бўлади. Бу эса алоҳида ўқишидан қийинчилик пайдо бўладиган бемор кишининг намозларни жамлаб ўқиши албатта мумкин бўлишига далолат қилади» (Мажмуъул-фатово: 24/84).

Яна айтади: «Беморлик туфайли жамлаб ўқиш мумкин, чунки мустаҳозанинг намозларни жамлаб ўқиши ҳақида ҳадислар келган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккита ҳадисларида



Ислом Нури

мустаҳозага намозларни жамлаб ўқишга буюрганлар» (Мажмуъульфатово: 24/26).

Давомий бавл томчилаб турадиган ёки жароҳатидан қон оқиб турадиган ёки бурнидан қон келиб турадиган ёки шу каби сабаблар туфайли ҳар бир намозга таҳорат қилиши лозим бўлган ва бундай қилишдан ожизлик қиладиган одам ҳам мустаҳозага қиёсан намозларни жамлаб ўқиши жоиз бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларидан истиҳоза ҳақида фатво сўраган Ҳамна бинт Жаҳшга: «Агар пешинни кечиктиришга ва асрни тезлатишга қодир бўлсанг, ғусл қиласан ва пешин билан асрни жамлаб ўқийсан. Сўнг шомни кечиктирасан ва хуфтонни тезлатасан-да, ғусл қилиб, иккала намозни жамлаб ўқийсан», деганлар (Аҳмад, Абу Довуд, Термизий ривоятлари, Термизий саҳиҳ санаган).

Ёмғир туфайли кийимлар уйиб кетиши ва машаққат ҳосил бўлиши мумкин бўлган ҳолда ҳам хусусан шом билан хуфтонни жамлаб ўқиш жоиз бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмғирли кечада шом билан хуфтонни жамлаб ўқиганлар (Бухорий (543) ва Муслим (705) ривояти). Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо ҳам шундай қилганлар (Мусаннаф Абдирраззоқ (4440) ва Мусаннаф Ибн Аби Шайба (2/44)).

Шайхулислов Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Зулматли кечалари изғирин шамол ва лойгарчилик пайтида – уламолар сўзларининг саҳиҳроғига кўра, ёмғир ёғмаётган бўлса ҳам – жамлаб ўқиш жоиз бўлади. Бу ҳар ким намозни ўз уйида ўқиганидан афзалдир. Балки, жамлаб ўқишни тарк қилиб, уйларда намоз ўқиш суннатга зид бўлган бидъатдир. Чунки, суннат – беш вақт намозни масжидда жамоат билан ўқишдир. Ва бу мусулмонлар иттифоқига кўра, намозни уйда ўқишдан



Ислом Нури

афзалдир. Жамлаб ўқишни жоиз санайдиган, Молик, Шофеий, Аҳмад каби имомлар иттифоқича, намозни уйда ёлғиз-ёлғиз ўқигандан кўра масжидларда жамоат бўлиб, жамлаб ўқиш лойиқроқдир (Мажмуъуль-фатово: 24/29).

Жамлаб ўқиши жоиз бўлган киши ўзига қулай бўлганини танлаб, истаса жамъи таъхир, истаса жамъи тақдим қилиши мумкин.

Арафотда афзали – пешин билан асрни жамъи тақдим қилиш, Муздалифада афзали – шом билан хуфтонни жамъи таъхир қилишдир. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилганлар. Арафотда жамъи тақдим қилиш вуқуфни улаб кетиш учун, Муздалифада жамъи таъхир қилиш эса йўлда тўхтамасдан бориш учундир.

Умуман олганда, Арафот ва Муздалифада намозларни жамлаб ўқиш суннат, бошқа пайтлардагиси зарурат пайтларда қилинадиган мубоҳ (рухсат)дир. Агар зарурати бўлмаса, мусофир киши ҳар бир намозни ўз вақтида ўқигани афзалдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж кунлари фақат Арафот ва Муздалифада жамлаб ўқиганлар, Минода жамламаганлар. Мино туриш жойи бўлиб, фақат йўлда юрган пайтларида жамлаганлар.

Аллоҳ таолодан барчамизни фойдали илм ва солиҳ амалга муваффақ қилишини сўраймиз.

4) Хавф намози:

Хавф намози кофирлар, золимлар ва душманларга қарши олиб борилаётган ҳар қандай мубоҳ урушлар пайтида машруъдир. Чунки, Аллоҳ таоло: «**агар кофирлар фитнасидан қўрқсангиз**» (Нисо:



Ислом Нури

101), деди. Урушиш жоиз бўлган бошқа гуруҳлар ҳам шунга қиёс қилинади. Бироқ, ҳаром қилинган урушда хавф-хатар пайти ўқиладиган намоз ўқилмайди.

Хавф-хатар пайти ўқиладиган намознинг машруълигига Қуръон, Суннат ва ижмоъ далил бўлади.

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **қачон сиз (жанг майдонида) мўминлар орасида бўлиб, уларга имом бўлган ҳолда намоз ўқимоқчи бўлсангиз, улардан бир тоифаси қуролланган ҳолларида сиз билан намозга турсинлар. Бас, қачон сажда қилишгач (яъни намознинг бир ракъъатини ўқиб бўлишгач), орқаларингга бориб, (сизларни кўриқлаб) турсинлар ва ҳали намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб, қуролланиб олсинлар»** (Нисо: 102).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтади: «Хавф намози Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан беш ё олти кўринишда саҳиҳ ривоятларда келган бўлиб, барчаси жоиздир» (Найлул-автор: 4/3).

Бу намоз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида машруъ бўлган ва машруълиги қиёматгача давом этади. Бунга саҳобалар ва умматнинг – озчилик, санокли кишиларидан бошқа – ҳаммаси ижмоъ-иттифоқ қилганлар.

Хафв намози зарурат пайтида сафар бўлсин, муқимликда бўлсин, мусулмонларга душман ҳужуми хавфи бўлганда ўқиладиган. Чунки, ушбу намозни мубоҳ қилувчи сабаб хавф-хатардир, сафар эмас. Лекин,



Ислом Нури

муқимликда хавф намозида рақъатлар сони қисқартирилмайди, фақат намознинг кўриниши қисқаради. Сафарда ўқилган хавф намозида эса тўрт рақъатли намознинг рақъатлари сони ҳам, намознинг кўриниши ҳам қисқаради.

Хавф намози машруъ бўлишининг иккита шарти бор:

Биринчи шарти: Душман, юқорида айтганимиздек, у билан урушиш ҳалол қилинган душман бўлиши керак.

Иккинчи шарти: Намоз ўқиладиган ҳолатда мусулмонлар учун душман ҳужуми хавфи мавжуд бўлиши керак. Чунки, Аллоҳ таоло: **«Агар кофирлар фитнадан қўрқсангиз»** (Нисо: 101), деди, **«Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар»** (Нисо: 102), деди.

Хавф намозининг бир неча кўринишлари мавжуддир:

1) Саҳл ибн Аби Ҳасма розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган кўриниши. Имом Аҳмад шунга амал қилишни ихтиёр қилган. Чунки, бу Қуръонда зикр қилинган сифатга энг яқин кўриниш бўлиб, бунда намознинг ҳам, жангнинг ҳам эҳтиёти кўрилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кўринишдаги намозни Зотур-риқоъ ғазотида ўқиганлар. Ушбу намознинг Саҳл розияллоҳу анҳу ривоят қилганидек кўриниши қуйидагича: Бир гуруҳ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафга турди, бир гуруҳ эса душманга юзланиб турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари билан намоз бошлаган кишилар билан бир рақъат намоз ўқиб, сўнг тик турган ҳолда кутиб турдилар, улар намозни ўзлари тамомлаб, бориб,



Ислом Нури

душманга юзланиб турдилар ва иккинчи гуруҳ келиб, сафга турди. Улар билан бирга намознинг қолган қисмини ўқидилар, сўнг ўтирган ҳолларида кутиб турдилар, улар намозларини тўла қилишгач, у зот салом бериб, намозни (биргаликда) тугатдилар (Бухорий (4131) ва Муслим (841) ривоятлари).

2) Хавф намозининг Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган кўриниши. Жобир розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан хавф намозида ҳозир бўлдим. Биз икки саф бўлиб турдик. Душман биз билан қибламиз оралиғида эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам такбир айтдилар, биз ҳам такбир айтдик. Сўнг рукуъ қилдилар, ҳаммамиз рукуъ қилдик. Сўнг рукуъдан бошларини кўтардилар, биз ҳам кўтардик. Сўнг у зот биринчи саф билан бирга саждага бордилар, иккинчи саф душманга юзланиб турди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам саждани қилиб бўлгач, биринчи саф ўрнидан турди ва иккинчи саф сажда қилиб, улар ҳам тик турдилар. Сўнг иккинчи саф олдинга ўтиб, биринчи саф орқага ўтди. Сўнг рукуъ қилдилар, ҳаммамиз рукуъ қилдик. Сўнг рукуъдан бошларини кўтардилар, биз ҳам кўтардик. Сўнг у зот ўз ортларида турган, биринчи ракъатда орқа сафда бўлган саф билан саждага бордилар. Иккинчи сафда турганлар душманга юзланиб турдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи саф билан сажда қилгач, иккинчи саф саждага йиқилиб, сажда қилди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам салом бердилар, ҳаммамиз салом бердик (Имом Муслим (840) ривояти).

3) Хавф намозининг сифати ҳақида Ибн Умар розияллоҳу анҳумо қўйидагича ривоят қилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хавф намозида икки гуруҳнинг бири билан бир ракъат ўқиб, икки сажда қилдилар, иккинчи гуруҳ душман қаршисида турди. Сўнг



Ислом Нури

(биринчи гуруҳ) бурилиб, душманга юзланиб турган биродарлари ўрнига турдилар ва улар келиб (намозга турдилар), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар билан ҳам бир ракъат ўқиб, салом бердилар, улар ҳам, булар ҳам бир ракъатни кейин ўқиб олдилар (Бухорий (4133) ва Муслим (839) ривоятлари).

4) Хавф намозининг яна бир кўриниши - ҳар бир тоифа билан алоҳида намоз ўқиб, салом берганликларидир (Абу Довуд (1248), Насойй (1551), Аҳмад (5/49, №20497) Абу Бакра розияллоҳу анхудан ривоят қилганлар).

5) Хавф намози кўринишларидан яна бири - Жобир розияллоҳу анҳу ривоят қилган қуйидаги кўринишдир: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бориб, Зотур-риқоъга етиб бордик... Намозга нидо қилинди, у зот бир гуруҳ билан икки ракъат ўқидилар, сўнг улар орқага ўтишди, иккинчи гуруҳ билан ҳам икки ракъат ўқидилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўрт ракъат, қавм икки ракъат намоз ўқидилар» (Бухорий (4136) ва Муслим (543) ривоятлари).

Мазкур сифатлар хавф-хатар жуда қаттиқ кучайиб кетмаган ҳолларда қилинади. Аммо, хатар ўта кучайиб кетган ва уруш қизиби, ур-чоп авжига чиқиб турган ва ким кимлигини ажратиш олиш қийин бўлган ҳолларда намоз вақти бўлиб қолса, ҳар ким ўз ҳолича, ким отлик, ким пиёда, имкони бор қиблага қараган, бўлмаса бошқа ёққа қараб бўлса ҳам, қодир бўлса, рукуъ ва сужуд қилиб, бўлмаса, ишора билан намоз ўқийверади, намозни вақтидан кечиктирмайдилар. Чунки, Аллоҳ таоло: «**Энди агар** (душман хужумидан) **хавфда қолсангиз, пиёда ёки отлик ҳолингизда** (намоз ўқийверингиз)», дейди (Бақара: 239).

Хавф намозиде киши оғир бўлмаган ва ўзини ҳимоя қилишга етарли



Ислом Нури

даражада бўлган қуролини ёнидан қўймаслиги яхшидир. Чунки, Аллоҳ таоло: **«Эҳтиёт чораларини кўриб, қуролланиб олсинлар»**, деди.

Бирон душмандан ёки тошқин селдан ёки йиртқич ҳайвондан қочиш пайтида ҳам, шунингдек, ўзи таъқиб қилиб келаётган душманни кўздан қочириб қўйиш хавфи бўлганда ҳам худди хавф кучайган пайтдаги каби, яъни, отлик ё пиёда, қиблага юзланиб ё юзланмай, рукуъ ва сужудларни ишора билан қилиб, намоз ўқийверади.

Хавф намозини ана шундай ажиб кўринишлар ва қулай тартибларда ўқилишидан ҳам намознинг ва хусусан, жамоат намозининг Исломдаги ўрни нақадар аҳамиятли эканини билиб олиш мумкин. Зеро, ҳар иккиси ҳам ана шундай қийин соатларда ҳам мўминнинг зиммасидан соқит бўлмайди. Шунингдек, бундан шариати исломиянинг нақадар комил шариат экани ва у ҳар бир ҳолатга ўзига муносиб ва мувофиқ келувчи ечимлар қўллаши, унинг ушбу умматдан қийинчиликни кўтариб юборган ва ҳар бир замон ва маконга яроқли шариат экани маълум бўлади.

Аллоҳ таолодан барчамизни ушбу шариатни маҳкам ушлаш ва унда вафот этишга муваффақ этишини сўраймиз.